1

# ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ УСТАВИ

2

Ўзбекистон Коммунистик партияси жумҳуриятнинг барча коммунистларини ихтиёрий равишда бирлаштирувчи мустақил сиёсий ташкилотдир. У социалистик йўлни танлаган коммунистик истиқболли партия сифатида ўзининг дастурий мақсадларини белгилар экан, инсон ҳуқуқларини, ижтимоий адолатни, маънавий янгиланишни, жумҳуриятда яшовчи барча миллатлар ва элатлар учун муносиб турмуш шароитини, уларнинг байналмилал ҳамдўстлигини Ўзбекистон ССЖнинг сиёсий ва иқтисодий мустақилликка эришиши асосида таъминлаш заруратидан келиб чиқади. Ўз ҳаракат дастури ва тактикасини ишлаб чиқишда, социализм назарияси ва практикасини ижодий қайта идрок этишда ақидапарастларча талқиндан ҳалос бўлган марксизм-ленинизм ғояларига асосланган сиёсий йўлни белгилаш ва ўтказишда, уларни илғор жаҳон ижтимоий тафаккури ютуқлари асосида ривожлантиришда у мустақилдир.

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг фаолиятида биронта синф, ижтимоий гуруҳ ёки миллат вакилларига ҳеч қандай имтиёз берилмайди. У миллати ва диний эътиқодидан қатъи назар жумҳурият меҳнаткашларининг манфаатларини ҳимоя қилади. Жумҳурият Коммунистик партияси жамиятнинг барча тараққийпарвар кучлари билан ҳамжиҳат ҳаракат қилишга, умуминсоний қадриятларни эъзозлайдиган, меҳнаткашларнинг манфаатларини ифодалайдиган ижтимоий-сиёсий ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлашга тайёрдир.

Ўзбекистон Коммунистик партияси жамиятни жипслаштиришга, халқлар ўртасидаги муносабатларда байналмилаллик принципларини қарор топтиришга ҳаракат қилади. Ўзбек халқининг, жумҳуриятда яшовчи барча халқларнинг миллий анъаналари ва урф-одатларини ҳурмат қилишга чақиради. Ирқчилик, миллатчилик ва шовинизмни, миллатлараро ва ижтимоий можароларнинг авж олдирилишини қатъиян рад этади.

Ўзбекистон Коммунистик партияси дастурий мақсадлар ва Устав қоидаларининг муштараклиги асосида КПСС таркибига киради. У Ўзбекистон ССЖ Конституцияси, совет қонунлари доирасида ҳаракат қилади ва жумҳуриятда давлат қурилиши, унинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий тараққиёти юзасидан олға сурган дастурлари, уларни рўёбга чиқариш борасидаги амалий ҳаракатлари учун тўла сиёсий масъулиятни ўз зиммасига олади.

## I. Ўзбекистон Коммунистик партияси ва КПСС

1. Ўзбекистон Коммунистик партияси КПССнинг стратегик дастурий мақсадлари ва Уставидаги асосий қоидаларни амалга ошириш йўлларини белгилашда мустақилдир. У ўзининг дастурий ҳужжатлари ва Уставини ишлаб чиқади, шулар асосида сиёсий, мафкуравий, ташкилий, кадрлар, ноширлик, молия-хўжалик ва бошқа масалаларни ҳал қилади, бошқа, шу жумладан чет эл партиялари ва ижтимоий ҳаракатлари билан бевосита алоқа боғлайди.

У бошқа иттифоқдош жумҳуриятлар Коммунистик партиялари билан ғоявий муштараклик, тенг ҳуқуқлилик, амалий ҳамкорлик, партиявий ўртоқлик ва бирдамлик асосида муносабат ўрнатади.

2. Ўзбекистон Коммунистик партияси КПССнинг марказий органларига ўз вакилларини тавсия қилади, шунингдек зарурат туғилган тақдирда уларни шу органлардан чақириб олади. Мазкур масалалар бўйича қарорлар жумҳурият Компартиясининг съездида, съездлар орасидаги даврда эса жумҳурият партия конференциясида ёки Марказий Комитет пленумида қабул қилинади.

3. Ўзбекистон Коммунистик партиясидан КПСС Марказий Комитети, унинг Сиёсий бюроси ва Котибияти, КПСС Марказий Назорат комиссиясига сайланган аъзолар унинг шу органлардаги мухтор вакиллари ҳисобланади. КПСС турмуши ва фаолиятига оид энг муҳим масалалар муҳокама қилинганда, улар ўз нуқтаи-назарларини жумҳурият меҳнаткашлари манфаатларига, жумҳурият Компартиясининг съездлари, жумҳурият партия конференциялари ва Марказий Комитет пленумларининг сиёсий йўл-йўриқларига мувофиқ равишда белгилайдилар.

4. КПСС Марказий Комитети Ўзбекистон Коммунистик партиясининг мустақиллигини камситадиган ёки жумҳурият манфаатларига зид қарорлар қабул қилган ҳолларда, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми бу қарорни ижро учун қабул қилмай низоли масалаларни КПСС Марказий Комитетининг пленуми ёки КПСС Марказий Комитети ва Марказий Назорат комиссиясининг қўшма пленумида кўриб чиқишни талаб қилади.

5. КПССнинг навбатдан ташқари (фавқулодда) съездини чақиришга зарурат туғилса, бу масала юзасидан қарорни Ўзбекистон Коммунистик партиясининг съезди ёки умумжумҳурият конференцияси қабул қилади.

6. Ўзбекистон Коммунистик партиясининг КПСС таркибида қолиш-қолмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш зарурияти туғилса, бу масалани жумҳурият коммунистларининг референдуми ўтказилгандан кейин Коммунистик партиянинг съезди ҳал қилади.

## II. Ўзбекистон Коммунистик партиясига аъзолик

7. Ўзбекистон ССЖнинг 18 ёшга тўлган, партиянинг дастурий ҳужжатларини тан оладиган ва Ўзбекистон Коммунистик партияси Уставини бажарадиган, унинг бошланғич ташкилотларидан бирида ишлайдиган ва партияни мунтазам равишда моддий маблағ билан қўллаб-қувватлаб турадиган фуқароси Ўзбекистон Коммунистик партиясининг аъзоси бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг аъзоси айни вақтда КПССнинг ҳам аъзоси ҳисобланади ва унинг ягона партия билетига эга бўлади. Жумҳуриятга ишлаш, ўқиш ёки яшаш учун келадиган ҳар бир КПСС аъзоси партия ҳисобига ўтганидан кейин Ўзбекистон Коммунистик партиясининг аъзоси бўлади.

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг аъзоси бошқа сиёсий партияларда бўлиши ва партия ичида фракциячилик фаолияти билан шуғулланиши мумкин эмас.

8. Ўзбекистон Коммунистик партиясининг барча аъзолари тенг ҳуқуқлидир. Улар:

— партия ички ва ташқи сиёсати, партия ички турмуши масалаларини кўтариб чиқиш ва эркин муҳокама қилиш, шу масалалар юзасидан қарорлар ишлаб чиқишда қатнашиш;

— партия органларига сайлаш ва сайланиш, уларнинг иши ҳақида ахборот олиш;

— ҳар қандай партия органига ва ҳар бир коммунистга баҳо бериш, уларни танқид қилиш;

— ҳар қандай партия идорасига ариза ва таклифлар билан мурожаат этиш ва ундан жавоб олиш;

— ўз таклифи ёки фаолияти ёхуд ахлоқи тўғрисидаги масала партия органида муҳокама қилинаётган пайтда унинг ишида қатнашиш;

— фаолияти Ўзбекистон ССЖ Конституциясига мос келадиган ҳамда партиянинг дастурий мақсадлари ва Устави қоидаларига зид бўлмаган жамоат ташкилотлари ва ҳаракатларининг ишида қатнашиш;

— партия муассасалари ва корхоналарининг хизматидан фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг аъзолари ўртасидаги муносабатлар партиявий ўртоқлик принциплари асосида бўлади. Унинг ташкилотлари ва комитетларида танқид, қарши айтилган фикрлар учун тазйиқ қилишга, коммунистларни бир-бирига қарама-қарши қўйишга, миллати, касби-кори ва бошқа белгиларига қараб уларнинг Уставдаги ҳуқуқларини чеклашга йўл қўйилмайди.

Ҳар бир коммунистни ҳимоя қилиш партиянинг дастурий мақсадлари ва Устави қоидаларига зид бўлмаган барча ҳолларда партия ташкилотлари ва сайланган органлари ижтимоий ва қонунда рухсат этилган бошқа фаолиятида унга сиёсий ёрдам беради, Конституцияда белгиланган ва бошқа ҳуқуқлари камситилса, унинг нафсонияти ва қадр-қимматини ҳимоя қилади.

3

9. Ўзбекистон Коммунистик партиясининг аъзоси:

— партиянинг дастури ва Устави қоидаларини билишга, партия интизомига риоя қилишга, партия қарорларини бажаришга;

— Ўзбекистон Коммунистик партиясининг жамиятдаги пешқадамлик мавқеини таъминлаш учун курашишга, унинг сиёсий йўлини амалда турмушга татбиқ этишга, халқнинг демократик ўз-ўзини бошқаришини ривожлантиришда фаол кўмаклашишга;

— ўзининг сиёсий ва маданий савиясини оширишга;

— бошланғич партия ташкилотларидан бирининг ҳисобида туришга, унинг ишида қатнашишга, партияга аъзолик бадалларини мунтазам тўлашга, ўз фаолияти ҳақида ҳисоб бериб туришга;

— халқлар дўстлигини мустаҳкамлашга, жумҳуриятда яшовчи барча миллат ва элатлар вакилларининг миллий анъаналарига, тарихий ва маданий меросига, тилига ҳурмат билан қарашга;

— қонунларга риоя қилишга, шахсий намунаси билан ижтимоий ва маънавий ахлоқ нормаларини қарор топтиришга, меҳнатга виждонан муносабатда бўлишга мажбурдир.

10. Ўзбекистон Коммунистик партияси аъзолигига қабул кирувчининг аризасига биноан партия аъзоларидан икки кишининг кафиллиги билан якка тартибда амалга оширилади. Партияга кирувчи учун, бошланғич партия ташкилотининг ихтиёрига кўра, бир йилгача синов муддати белгиланиши мумкин.

**Изоҳ:** Ўзбекистон ЛКСМ аъзолари орасидан партияга кирувчилар учун, бошлачғич партия ташкилотининг ихтиёрига кўра, тегишли комсомол ташкилотининг кафиллиги белгиланиши мумкин.

Партия аъзолигига қабул қилиш тўғрисидаги қарор бошланғич партия ташкилотининг йиғилишида қабул қилинади ва мазкур ташкилот ҳисобида турувчи коммунистларнинг ярмидан кўпроғи ёқлаб овоз берган тақдирда ҳақиқий деб ҳисобланади. Соғлиғи ёки ёши туфайли ўз аризасига кўра бу ташкилотдаги мунтазам ишдан озод қилинган ва шу муносабат билан партия йиғилишида қатнашмаётган коммунистлар бундан мустаснодирлар.

Район, шаҳар партия комитетларининг бюроси бошланғич партия ташкилотининг партия аъзолигига қабул қилиш ҳақидаги қарорига қўшилмаслигини далил-исботлар билан асослашга ҳақлидир. Бундай ҳолда қарор қайтадан муҳокамага қўйилади ва партия ташкилоти тасдиқлагандан кейингина кучга киради.

Партиядан ўчирилган ёки ундан ўз ихтиёри билан чиққан шахслар партияга мажбурий синов муддати билан қайтадан қабул қилиниши мумкин, бундай қарорлар эса район, шаҳар, партия комитетлари бюросида тасдиқланиши керак.

Коммунист ўз хоҳишига кўра ва бошланғич ташкилотларнинг розилиги билан хизмат ёки яшаш жойида партия ҳисобида туради. У доимий ҳисобда турадиган партия ташкилотида ишлаш билан бир вақтда, шундай бошланғич ташкилотлардан бирининг ҳаётида қатнашиш ҳуқуқига ҳам эга.

Партияда камида 30 йил фаол ишлаган коммунистга бошланғич партия ташкилотининг қарори билан «КПСС ВЕТЕРАНИ» фахрий унвони берилиши мумкин.

Агар партия аъзоси соғлиғи ёки ёши туфайли партия ҳаётида қатнаша олмаса, бошланғич партия ташкилоти уни партия ҳисобидан чиқармаган ҳолда шахсий аризаси асосида мунтазам ишдан ва аъзолик бадалларини тўлашдан озод қилишга ҳақлидир. Мазкур ҳолларда партия ташкилоти бундай коммунистлар билан доимий алоқада бўлиши, партия турмуши масалаларини муҳокама қилишда уларнинг фикрини эътиборга олиши, ўз қарорларидан уларни хабардор қилиб туриши, зарур ёрдам ва мадад бериши лозим.

11. Партия сафларини ташкилий-сиёсий жиҳатдан мустаҳкамлаш ва партия аъзолари ўз вазифаларини қандай бажараётганликларини назорат қилиш мақсадида бошланғич партия ташкилотларининг ёки юқори партия органларининг қарорига биноан коммунистларни улар белгилаган тартибда аттестациядан ўтказиш мумкин.

Бошланғич партия ташкилотлари ва барча поғонадаги партия органлари партия интизомини ва ижтимоий аҳлоқ нормаларини бузганлиги учун партия аъзоларига нисбатан танбеҳ бериш ёки ҳайфсан эълон қилиш тарзида партиявий тарбия ва таъсир чораларини кўришлари мумкин.

Бошланғич партия ташкилоти Ўзбекистон Коммунистик партиясининг Устави талабларига мос келмайдиган хатти-ҳаракатлари ва хулқ-атвори учун партия аъзосини ўз сафидан чиқариши мумкин. Жиноий жавобгарликка тортилаётган коммунистнинг партиядаги аъзолиги масаласи суднинг айблов ҳукми кучга киргандан кейингина кўриб чиқилади.

Аъзолик бадалларини уч ойдан ортиқ узрли сабабсиз тўламаган партия аъзоси тўғрисидаги масала бошланғич партия ташкилотида кўриб чиқилиши лозим. Агар партия аъзосининг партия билан алоқани узганлиги аниқланса, унинг партия сафларида қолиш-қолмаслиги тўғрисида қарор қабул қилинади. Партияга аъзолик партия аъзосининг партия сафларидан ихтиёрий равишда чиқиш тўғрисидаги аризасига биноан, у бошланғич партия ташкилотида кўриб чиқилгандан кейин тўхтатилади.

Коммунистни партия сафларидан чиқариш тўғрисидаги қарор бошланғич партия ташкилоти йиғилишида қабул қилинади ва мазкур ташкилот ҳисобида турувчи коммунистларнинг ярмидан кўпроғи шу қарорни ёқлаб овоз берган тақдирда ҳақиқий деб ҳисобланади, соғлиғи ёки ёши туфайли ўз аризаси асосида партия ташкилотидаги мунтазам ишдан озод қилинган ва шу муносабат билан партия йиғилишида қатнашаётган коммунистлар бундан мустаснодирлар.

**Изоҳ:** Шу масалалар юзасидан ваколатли партия йиғилишини ўтказиш имконияти бўлмаган тақдирда, мазкур масалалар тегишли район, шаҳар партия комитетларининг бюросида кўриб чиқилиши лозим.

Партиядан чиқарилган ёки жазо олган шахс олти ой давомида район, шаҳар партия ташкилотлари назорат комиссиясидан тортиб то партия назорат органларигача шикоят аризаси беришга ҳақлидир. Шикоят аризаси тегишли органга тушган кундан бошлаб узоғи билан икки ойда кўриб чиқилади.

## III. Партия ички демократияси

12. Ўзбекистон Коммунистик партияси ғоявий муштараклик ва партиявий ўртоқлик, демократик централизм қоидалари асосида яшайди ва ҳаракат қилади. Бу қоидалар:

— умуман жумҳурият Коммунистик партияси, унинг барча поғоналари ва ҳар бир коммунистнинг манфаатлари муштараклигини;

— ўз-ўзини бошқаришни ва партиялилар оммасининг ҳокимиятини;

— партиянинг барча раҳбар, ижроия ва назорат органларини, одатда, муқобиллик асосида яширин овоз бериш йўли билан сайлашни;

— партия органлари ва уларнинг аъзолари уларни сайлаган ташкилотлар олдида ҳисобот беришини;

— ишда ошкоралик, рўй-ростлик ва ҳамжиҳатликни, ҳар бир коммунистнинг ўз фаолияти учун шахсий масъулиятини;

— фикр билдиришда эркинликни, турли қарашлар ва ҳаракат дастурларини таққослашни, ошкора танқид ва ўз-ўзини танқидни;

4

— онгли партиявий интизомни, биргаликда ишлаб чиқилган сиёсатни, кўпчилик томонидан қабул қилинган қарорларни ҳамжиҳатлик билан амалга оширишни;

— партия юқори раҳбар органлари қарорларини бажариш қуйи органлар учун, раҳбар партия органлари қарорларини бажариш ижроия ва назорат органлари учун, бошланғич партия ташкилотлари қарорларини бажариш унинг ҳисобида турган коммунистлар учун мажбурийлигини таъминлайди.

Айрим ташкилотлар, умуман Коммунистик партия доирасида ижтимоий ва партия турмушининг долзарб масалалари юзасидан мунозара ва референдумлар ўтказилиши мумкин. Бу мунозара ва референдумлар Коммунистик партия съездларининг, партия конференцияларининг, партия комитетлари пленумларининг ташаббуси билан, шунингдек тегишли ташкилот аъзоларининг камида учдан бирини бирлаштирувчи партия ташкилотларининг талабига биноан ўтказилади. Ўзбекистон Коммунистик партиясида умумпартия референдумлари, шунингдек, уч ёки ундан ортиқ вилоят партия ташкилотининг талабига биноан ҳам ўтказилади.

13. Ўзбекистон Коммунистик партиясининг бошланғич ташкилотларидан тортиб барча ташкилотлари КПСС ва жумҳурият Коммунистик партияси сиёсатини ишлаб чиқишда қатнашади. Улар ўзларининг ички турмуш ва фаолиятини белгилашда мустақилдир. Партия ташкилотлари ва уларнинг сайланган органлари партиянинг дастурий мақсадларига зид келмайдиган ва Ўзбекистон Коммунистик партияси Уставида белгиланган ваколатлар доирасида қабул қилган қарорлари юқори органлар томонидан бекор қилиниши мумкин эмас, шахсий ишларга оид қарорлар бундан мустаснодир.

Юқори партия органи қуйи партия ташкилоти қабул қилган қарорга қўшилмаслигини далил-исбот билан изҳор этишга ҳамда мунозарали масалани ҳал қилиш учун бошланғич партия ташкилотларига, бевосита коммунистларга мурожаат этишга, навбатдан ташқари партия йиғилишини, конференциясини чақиришга ёки референдум ўтказишга ҳақлидир. Бундай ҳолларда қарорнинг бажарилиши уни қайта кўриб чиққунга қадар, узоғи билан икки ойгача тўхтатиб турилади.

14. Партия ташкилотлари ва партия органларининг иши ўзбошимчалик ва яккаҳокимликдан холи бўлган ҳамжиҳатлик ва шахсий масъулият асосида олиб борилади.

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг раҳбар органлари умумий йиғилиш, конференция, съезддан иборатдир. Уларда партия ташкилоти аъзоларининг ёки сайланган делегатларнинг ярмидан кўпроғи, ҳисобот ва сайловлар чоғида эса камида учдан икки қисми қатнашган тақдирда улар ваколатли ҳисобланади (соғлиғи ёки ёши туфайли ўз аризасига кўра бу ташкилотдаги мунтазам ишдан озод қилинган ва шу муносабат билан партия йиғилишида қатнашмаётган коммунистлар бундан мустаснодир). Партиянинг раҳбар органлари ижроия органлари (бюро, комитет)ни ва назорат органлари (назорат комиссияси)ни сайлайдилар.

Ижроия органлари тегишли партия ташкилотларининг манфаатларини ифодалайди, уларнинг қарорлари ижросини таъминлайди ва ўзларига ҳисобот берувчи ёки партия структурасининг ўзларига нисбатан қуйи бўғинларининг кундалик фаолиятига съезд, конференция, партия йиғилиши қарори билан берилган ваколатлар доирасида раҳбарлик қилади.

Партия органлари ишнинг асосий йўналишлари бўйича доимий ёки муваққат комиссиялар ва ишчи гуруҳлари тузиши мумкиндир. Шунингдек, улар коммунистларни ва бошқа фуқароларни шу органлар фаолиятига жалб қилишнинг бошқа шаклларидан фойдаланади. Комиссияларнинг таркибига шу органларнинг аъзолари билан бир қаторда маслаҳатчи ёки кенгашчи сифатида тасдиқланадиган бошқа коммунистлар ҳам сайланиши ёхуд вакил қилиб юборилиши мумкин. Ижроия органларидаги комиссия ва ишчи гуруҳларининг фаолиятини партия комитетининг бюроси, назорат органларида назорат комиссиясининг раёсати мувофиқлаштириб туради.

15. Партия ташкилотлари, унинг сайланган органлари ошкора ишлайди, партия қарорларига мувофиқ партия йиғилишлари, конференциялари, съездлари, ижроия ва назорат органларининг мажлислари очиқ ўтказилишини, уларда партия матбуоти вакилларининг қатнашишини, ҳужжатларнинг лойиҳалари, стенограммалар, қабул этилган қарорлар ва бошқа материаллар матбуотда эълон қилинишини таъминлайди. Партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари коммунистларни ва юқори партия идораларини ўз фаолиятидан мунтазам равишда хабардор қилиб туради. Коммунист ўз партия ташкилотининг партия бюроси ёки партия комитети мажлисида қатнашишга ҳақлидир. Партия сайланган органининг аъзолари ўзларига ҳисобот берувчи органларнинг мажлисларида бемалол қатнаша оладилар, шунингдек партия органи ва унинг аппарати ихтиёридаги ҳужжатлардан фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Партия ички турмуши масалаларини муҳокама қилиш чоғида зарур ҳолларда ёпиқ партия йиғилишлари, партиянинг раҳбар, ижроия ва назорат органларининг ёпиқ мажлислари ўтказилиши мумкин.

16. Ўзбекистон Коммунистик партиясида раҳбар, ижроия ва назорат органлари яширин овоз бериш йўли билан сайланади.

Конференциялар ва съездларга делегатлар сайлаш, партия комитетлари ва назорат комиссияларига сайлов ўтказиш тартиби тегишли партия комитети, йиғилиши, конференцияси, съезди томонидан бошланғич, маҳаллий партия ташкилотларининг қарорларини ҳисобга олган ҳолда партиянинг норматив-методик ҳужжатлари асосида белгиланади.

Район, шаҳар, вилоят, Қорақалпоғистон жумҳурияти конференцияларига, Ўзбекистон Коммунистик партиясининг умумжумҳурият конференциясига ва съездига делегатлар, сайланадиган тегишли партия органларининг аъзолари, албатта, бошланғич партия ташкилотлари томонидан номзодлар кўрсатиш йўли билан сайланади.

Партия аъзолари сайлов пайтида чекланмаган миқдорда номзодлар кўрсатиш ва уларни далил-исботлар билан рад этиш, шу жумладан ўз номзодини ҳам кўрсатиш ва рад этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Партия комитетлари ва назорат комиссияларининг, уларга ҳисобот берувчи органлар (бюро, котибият, раёсат)нинг таркибини сайлаш пайтида бошланғич партия ташкилотлари ҳам, шунингдек раҳбар, ижроия ва назорат органлари ҳам номзодлар юзасидан таклифлар киритиш ҳуқуқига эгадир. Тушган таклифларнинг ҳаммаси шу органларни ташкил этадиган йиғилишда, конференцияда, съездда, партия комитети (назорат комиссияси) пленумида албатта кўриб чиқилиши лозим.

Овоз бериш учун рўйхатга исталганча номзод киритилади. Йиғилишда, конференцияда, съездда, партия комитетининг, назорат комиссиясининг пленумида овоз беришда қатнашган партия аъзолари овозларининг ярмидан кўпроғини олган номзодлар сайланган деб ҳисобланади.

Партия комитетлари, назорат комиссиялари бевосита қуйи ташкилотлардан вакиллар юбориш йўли билан ҳам сайланиши мумкин, бу ташкилотлар ўз вакилини чақириб олиш ҳуқуқига эгадир. Партия комитетлари ва назорат комиссиялари аъзоларини сайлаш вақтида қуйи партия ташкилотларининг мутаносиб вакиллигини таъминлаш зарурриятига кўра, уларнинг ҳиссалари белгиланиши мумкин.

17. Райком ва ундан юқори поғонадаги сайланадиган партия органларининг аъзолари шу лавозимнинг ўзига узоғи билан кетма-кет икки муддатга сайланиши мумкин. Партия аъзоси Ўзбекистон Коммунистик партиясининг сайланадиган органларидан кўпи билан иккитасига аъзо бўлиши мумкин. Фавқулодда ҳолларда, айрим партия ташкилотларидан вакил бўлиши лозимлиги мақсадга мувофиқлигини ҳисобга олиб, уларнинг аъзоларини айни бир вақтда Ўзбекистон Коммунистик партиясининг сайланадиган учта органига сайлаш мумкин.

Ижроия ва назорат органларининг таркиби уларнинг ваколат муддати тугашидан аввал янгиланиши ёки тўла-тўкис қайтадан сайланиши мумкин. Масала тегишли ташкилот аъзоларининг камида учдан бир қисмини бирлаштирувчи партия ташкилотларининг талабига мувофиқ ёхуд сайланган органнинг айрим ёки барча аъзоларини

